

Ҳамида ТУЙЧИЕВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
кафедра мудири,
юримдик фанлар номзоди, доцент
x.tuychieva@iiaau.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ – ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ АСОСИЙ МАНБАИ

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАНА – ГЛАВНЫЙ ИСТОЧНИК ПРАВОВОГО ОБРАЗОВАНИЯ И ВОСПИТАНИЯ

THE CONSTITUTION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN – IS THE MAIN SOURCE OF LEGAL EDUCATION

Аннотация: Мақола шахснинг ҳуқуқий онгини шакллантиришида муҳим омил ҳисобланган ҳуқуқий таълимнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишига, ҳуқуқий таълим-тарбияда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг ўрнини кўрсатиб беришига, ҳуқуқий онгни шакллантириш ва жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жараёнидаги ҳуқуқий таълим-тарбиянинг аҳамиятини асослаб беришига бағишланган. Шунингдек, шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришида ҳуқуқий таълимнинг ўзига хос жиҳатлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: конституция, давлат, ҳуқуқ, давлат ҳокимияти, давлат органлари, таълим, тарбия, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқ устуворлиги, қонун, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунийлик.

Аннотация: Статья посвящена изучению теоретических и практических аспектов правового образования, которое является важным фактором формирования правового сознания, роли Конституции Республики Узбекистан в правовом просвещении, значения правового образования в формировании правового сознания и правовой культуры. Также разработаны специфические аспекты правового воспитания в формировании правового сознания личности.

Ключевые слова: конституция, государство, право, государственная власть, государственные органы, образования, воспитания, правовое сознание, правовая культура, верховенство право, закон, нормативные, правовые акты, законность.

Annotation: The article is devoted to the study of theoretical and practical aspects of legal education, which is an important factor in the formation of legal consciousness, the role of the Constitution of the Republic of Uzbekistan in legal education, the importance of legal education in the formation of legal consciousness and legal culture. Also, specific aspects of legal education in the formation of legal consciousness of the individual have been developed.

Key words: constitution, state, law, state power, state bodies, education, upbringing, legal consciousness, legal culture, advantage of law, law, legal acts, legality

Бугунги Ўзбекистонда умуммиллий таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва янгиланиш жараёнида замирида, аввало, Конституциянинг принцип ва талаблари турганини кўриш мумкин.

Илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларнинг, айниқса, қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Дарҳақиқат, бугун босиб ўтган йўлимизни танқидий ва холисона баҳолар эканмиз, юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан марраларни қўлга киритаётган бўлсак, буларнинг барчасига Конституция белгилаб берган йўл-йўриқларни оғишмай амалга ошириш натижасидадир.

Бундан кўриниб турибдики, биз Конституциянинг аҳамияти ва унинг мазмун-моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва кадр-қимматини янада чуқурроқ англамоқдамиз. Ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларга бевосита

муружаат қилади ҳамда Конституцияга ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берувчи олий юридик ҳужжат сифатида қарайди.

Ҳуқуқий таълим-тарбияни амалга ошириш йўлидаги энг дастлабки қадам Конституцияни ўрганиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишдан бошланади. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги (2001 йил 4 январда эълон қилинган) фармойиш демократиянинг ривожланиши, шахс ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини юксалтиришда ва таълим тизимида ҳуқуқий таълим-тарбияни амалга оширишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Дарҳақиқат, ижобий натижаларнинг кўп жиҳатлари мамлакатда Конституцияни оммавий равишда ўрганиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга боғлиқ.

Таълим тизимида шахснинг ҳуқуқий онгини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ҳар бир шахс қайси соҳада фаолият олиб боришидан қатъи назар, ўзининг конституциявий ҳуқуқ, эркинликлари ва мажбуриятларини билиши, ундан фойдаланиши унинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгига бевосита боғлиқдир.

Конституцияни ўрганиш жараёнида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият манфаати, давлат, мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъуллиги, фуқароларнинг давлат олдидаги бурчлари, жамият ва шахс ўзаро муносабати, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, сайлов тизими каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти баён этилади.

Конституция асосида олиб борилаётган таълим-тарбия ислохотлари натижасида “Таълим тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (2020 йил 23 сентябрда) янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, биз кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик.

Ушбу даврда ҳуқуқий таълим-тарбияни олиб бориш, шахснинг ҳуқуқий онгини шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишнинг таълимий мақсад ва вазифаси – юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт – янги Ўзбекистонни барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда ҳуқуқий давлат барпо этиш, Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, маъно-мазмунини ҳамда моҳиятини ўрганиш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш барча таълим турларида ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги ПФ-5618-сонли Фармони асосида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усуллари жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш вазифасини белгилаб берди.

Жумладан, фуқаролар онгида **«Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!»** деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур синдириш, **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** кенг тарғиб қилиш, ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур синдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб

ўргатиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий кадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, **«Юксак ҳуқуқий маданият — мамлакат тараққиёти кафолати»** деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Шунингдек, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш **«шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият»** принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши белгиланди. Ушбу фармон билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси” ва “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.

2020 йил 22 июнда “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Президент Фармони инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларда ҳам шахснинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда Конституцияни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Олий таълим муассасаларига умумий ўрта таълим мактаблари бириктириб берилди. Шунга кўра

Ўзбекистон халқаро ислом академиясига Тошкент шаҳридаги 5 та туман бўйича “Тарих ҳамда давлат ва ҳуқуқ асослар”, “Тарбия” фанлари ўқитувчилари бириктирилди.

Ўқитувчилар билан дастлабки суҳбатлар 8-11-синфларда ўқитилаётган “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фани Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида олиб борилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш, уни ҳаётга тадбиқ этиш ҳуқуқий таълим-тарбия жараёнидаги асосий вазифа — ўқитишнинг таълимий, тарбиявий мақсад ва вазифаларини; ўқитиш ва ўрганиш тамойилларини; билимлар мажмуасини; ёшлар эгаллаши лозим бўлган малака ва кўникмаларини аниқлаш деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ижобий томонлари ҳақида қанчалик мукаммал фикрлар билдирилмасин, уларни шахс ҳуқуқий онгига сингдириш борасида мунтазам ва тизимли фаолият олиб борилмаса, шахснинг конституциявий — ҳуқуқий онгини шакллантиришга эришиб бўлмайди. Чунки ҳуқуқий онгда шаклланиб, тобора сингиб бораётган ҳуқуқий давлат назариясида ифода этилган белги ва тамойиллар Конституцияда норматив-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган.

Конституцияни ўрганиш бўйича тавсия ва таклифлар беришдан олдин, бугунги кунда ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қанчалик билишларини аниқлаш ва уларнинг билим даражасини таҳлил қилиш зарур.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда шахс ҳуқуқий онгини шакллантириш — ҳуқуқий тизимнинг асосий манбаи бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш уни ҳаётий қўлланмага айлантириш асосида амалга оширилади ва конституциявий ҳуқуқий онгни ривожлантиради. Бунда Конституциянинг қоидаларини нафақат ёддан билиш, балки бу қоидаларнинг маъно-мазмунини тушуниб, ҳаётга татбиқ этишни таълимнинг барча турларида ёш, жинс хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганилади ва ҳуқуқий таълим-тарбиянинг узвийлиги таъминланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир соҳага тааллуқли қоидалар мавжуддир. Конституция барча ўқув юртларида ўқитилаётган ҳар бир фан учун асосий манба бўлиб хизмат қилиши лозим. Ҳар бир соҳага тегишли мавзу ёритилишида биринчи навбатда Конституцияга мурожаат қилишни ўрганиш билан нафақат “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанида, балки бошқа фанлар таркибида ҳам конституциявий – ҳуқуқий онг ривожлантирилади.

Конституцияни ўрганишда замонавий педагогик технологиялар ва ноанъанавий дарс усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Конституцияни ўрганиш учун дарсдан ташқари тадбирлар ўтказилиши натижасида нафақат ҳуқуқий меъёрларни билиш, балки шу ҳуқуқий меъёрларга оид тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ёритишга эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2020.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 2020 йил 23 сентябрь. – Тошкент
3. Ш.Мирзиёев. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2019 йил 7 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида”ги 1997 йил 29 август қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. - Т., 1998. -№17. - Б. 17-34.
5. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида [ПФ-5618](#) 09.01.2019 й. ҚТ, 1-2-сон, 7-модда
6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича [Харакатлар стратегиясини](#) «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид [Давлат дастури](#) тўғрисида 17.01.2019 й. [ПФ-5635](#) ҚТ, 3-сон, 41-модда
7. Азизхўжаев А.А, Ҳусанов О., Азизов Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи фанига схемали ўқув-методик қўлланма // -Т.: Шарқ, 2001. - 126 б.
8. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –262 б.
9. Саидов А.Ҳ, Таджихонов У., Одилқориев Ҳ. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т.: Шарқ, 2002. – 720 б.
10. Кудрявцев И.В. Ҳуқуқий онг, маданият, мафкура. // Қонун ҳимоясида. – 2004. – 9-сон. – Б. 18–19.